

Арбаъин / Арбаъин / 1-ҳадис

عَنْ أَمِيرِ الْمُؤْمِنِينَ أَبِي حَفْصِ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِنَّمَا الْأَعْمَالُ بِالنِّيَّاتِ، وَإِنَّمَا لِكُلِّ امْرِئٍ مَا نَوَى، فَمَنْ كَانَتْ هِجْرَتُهُ إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ فَهَجْرَتُهُ إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ، وَمَنْ كَانَتْ هِجْرَتُهُ لِدُنْيَا يُصِيبُهَا، أَوْ امْرَأَةٍ يَنْكِحُهَا فَهَجْرَتُهُ إِلَى مَا هَاجَرَ إِلَيْهِ.

(رَوَاهُ إِمَامَا الْمُحَدِّثِينَ أَبُو عَبْدِ اللَّهِ مُحَمَّدُ بْنُ إِسْمَاعِيلَ بْنِ إِبْرَاهِيمَ بْنِ الْمُغِيرَةَ بْنِ بَرْدِزُبَةَ الْبُخَارِيُّ، وَأَبُو الْحُسَيْنِ مُسْلِمُ بْنُ الْحَجَّاجِ بْنِ مُسْلِمِ الْقُشَيْرِيِّ النَّيْسَابُورِيِّ فِي صَحِيحَيْهِمَا اللَّذَيْنِ هُمَا أَصْحَحُ الْكُتُبِ الْمُصَنَّفَةِ.)

АМАЛЛАР НИЯТЛАРГА ҚАРАБ ЭЪТИБОРЛИДИР

1. Амирул мўминин Абу Ҳафс Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: "Амаллар фақатгина ниятлар билан эътиборлидир ва ҳар бир киши учун унинг ният қилган нарсасигина берилади. Бас, кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва Расули учун бўлса, унинг ҳижрати Аллоҳ ва Расули учун деб эътибор қилинади. Кимнинг ҳижрати бирон дунё матоҳини қўлга киритиш ёки бирон аёлни никоҳлаб олиш учун бўлса, бас, унинг ҳижрати нима учун қилинган бўлса, ўша нарса учундир".

Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.

Имом Бухорий ушбу ҳадисни саҳиҳ китобларининг аввалида ва бошқа беш ўринда зикр қилганлар. Имом Муслим амирлик бобида келтирганлар. Абу Довуд талоқ китобида келтирганлар. Имом Термизий жиҳод фазилатлари бобида келтирганлар. Ибн Можа зуҳд китобида келтирганлар. Насай таҳорат китобида келтирганлар. Доракутний, Ибн Ҳиббон ва Байҳақийлар ҳам ушбу ҳадисни ривоят қилишган.

Ҳадиснинг аҳамияти

Ушбу ҳадис Исломнинг моҳиятини ифодаловчи муҳим ҳадислардан бири бўлиб, динимизнинг аксар ҳукмлари учун пойдевор-асос ҳамдир. Уламоларнинг ушбу ҳадис ҳақида айтган сўзлари бунга ёрқин далил бўла олади.

Имом Абу Довуд айтадилар: "Амаллар ниятлар биландир" ҳадиси Исломнинг ярмидир. Негаки дин ё зоҳирда бўлади ё ботинда. Зоҳирда кўринадигани амал, ботиндагиси эса ният бўлади".

Имом Аҳмад ва Шофеий айтадилар: "Амаллар ниятлар биландир" ҳадисига илмнинг учдан бири дохил бўлади. Негаки банданинг амаллари қалби, тили ва қолган аъзолари билан касб қилинади. Қалб билан ният қилиш айна шу уч қисмдан биридир".

Шунинг учун олимлар ўз китобларини ана шу ҳадис билан бошлашни афзал кўрганлар. Чунончи, имом Бухорий шу ҳадисни "Ал-Жоме-ус-Саҳиҳ" китобининг бошида келтирганлар. Имом Нававий ҳам ўзларининг учта китоблари - "Риёзус- солиҳийн", "Ал-азкор" ва "Арбайн"ни худди шу ҳадис билан бошлаганлар. Бундан мурод ушбу китобларни ўрганувчи инсон илм олишда ҳам, бошқа солиҳ амалларида ҳам аввалданок ниятни Аллоҳ таоло учун холис қилмоғи лозимлигига ишорадир.

Бундан ташқари, Имом Бухорий ривоятларида келишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадисни хутбада айтганлари, кейин Умар разияллоҳу анҳу ҳам уни хутбада айтиб ўтганликлари ушбу ҳадиснинг аҳамиятини янада таъкидлайди.

Абу Убайд: "Ҳадислар орасида бундан-да сермазмуни ва муҳимроғи йўқдир", деб айтганлар.

Ҳадиснинг ворид бўлиши

Имом Табаронийнинг "Ал-мўъжамул-кабийр" китобида Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда келишича:

"Орамизда Умму Қайс деган аёлга совчи қўйган бир киши бор эди. У аёл: "То ҳижрат қилмагунингча, сенга турмушга чиқмайман", - деб туриб олди. Шунда ҳалиги одам ҳижрат қилиб, ўша аёлга уйланиб олди. Шу боис биз уни Умму Қайснинг муҳожирини деб атардик".

Саид ибн Мансур ўзларининг "Сунан" китобларида имом Бухорий ва Муслим шартларига кўра олинган иснод билан Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилдилар: "Бирон (дунёвий) нарса таъмасида ҳижрат қилган киши учун "Умму Қайснинг муҳожирини" деб ном олган кишининг ажридан бошқа ҳеч нарса йўқдир, яъни Умму Қайс ҳижратида савобга эга бўлмаганидек, ниятини бузган одам ҳам савобга эга бўлмайди".

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар

1. Барча амаллар учун ният шартдир

Мукаллаф, яъни ибодат қилиши шарт бўлган бандалардан содир этиладиган амаллар фақат ният билан амалга оширилсагина шаръан эътибор қилиниши ва эвазига ажр-савоб ёзилишига уламолар иттифоқ қилишган.

Намоз, рўза, ҳаж каби мустақил ва аслий ибодатларда ният қилиш ибодат рукнларидан бири ҳисобланади. Алоҳида ибодат саналмайдиган, балки таҳорат, ғусл каби васила (восита) бўлган амалларда эса ният қилишнинг ҳукми ихтилофлидир. Ҳанафий мазҳабига кўра бундай василалардаги ният савоб ҳосил бўлиши учун мукамаллик шарти ҳисобланади (яъни, ният қилинмаса ҳам таҳорат, ғусл дуруст саналаверади, лекин ният қилинса, янада мукамал бўлади). Шофеий ва бошқа имомлар мазҳабларида эса ҳамма ибодатлардаги сингари василаларда ҳам ният амалнинг дуруст бўлиш шартларидан биридир, шу боис ниятсиз бажарилган василалар дуруст ҳисобланмайди.

2. Ниятнинг вақти ва ўрни

Ниятнинг вақти намоздаги такбиратул эҳром сингари ва ҳажда эҳромга кириш сингари ибодатнинг бошидадир. Бироқ рўза ибодатида тонг киришини аниқ билиш қийинлиги туфайли, ниятнинг вақти рўза бошланиш вақтидан бироз илгарироқдир.

Ниятнинг ўрни эса қалбдир. Уни тилга чиқариб талаффуз қилиш шарт эмас. Ният қилишда ният қилинаётган ибодатни тайин қилиб, бошқасидан ажратиш шарт. Масалан: "Намоз ўқишни ният қилдим" дейиш кифоя эмас. Албатта: "Пешин ёки аср намозини" деб тайин қилиш шарт.

3. Ҳижрат

Яшаётган жойида ўз динини изҳор қилиш, яъни Исломнинг асосий фарз амалларини бажариш қўлидан келмаётган мусулмонга бошқа ўлкага ҳижрат қилиши тушунилади.

Ҳижрат деб қуйидаги нарсаларга ҳам айтилиши мумкин:

- Аллоҳ таоло қайтарган нарсалардан ўзини тийиш ("Муҳожир Аллоҳ қайтарган нарсадан қайта олган кишидир");
- Мусулмон киши ўз биродарини уч кунгача ҳажр қилиши, яъни алоқасини узиши.

Бироқ гоҳида мусулмон киши маъсият қилишдан қайтмаётган биродарини уч кундан ортиқ ҳажр қилиши зарур бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, итоатсиз хотинни одобга чақириш учун ҳам ҳажр қилиш жоиз.

4. Ким бир солиҳ амални ният қилган бўлса, бироқ хасталик, ўлим ёки шунга ўхшаш сабаблар туфайли уни бажаролмай қолса, унинг учун ажр олаверади

Қози Байзовий айтадилар: "Амаллар ниятсиз дуруст бўлмайди. Чунки узрли сабаб туфайли қила олмаса, киши амалсиз ниятга савоб олади. Аммо ниятсиз амал чанг-тўзон каби тўзғиб кетади. Амал билан ниятнинг мисоли танадаги руҳнинг мисоли каbidир. Тана руҳсиз яшай олмайди, худди шунингдек руҳ ҳам бу оламда жасадсиз кўрина олмайди".

5. Амал ва ибодатларни ихлос билан бажармоқ

Охиратда ажру савобга эга бўлиш ҳамда дунёда тавфиқ ва нажот топиш учун амал ва ибодатларимизда Аллоҳга ихлос қилмоғимиз лозим.

6. Ҳар қандай фойдали ва яхши амал ният, ихлос ва Аллоҳ таолонинг розилигини ишташ билан ибодатга айланади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI